

**ЎЗБЕК  
АДАБИЁТШУНОСЛИГИ  
МАСАЛАЛАРИ**

«БИЛИМ»

бошлайди. Унда ғойибдан куч пайдо бўлиб, умидсизланиш ўрнини эртадан умидворлик эгаллай бошлайди. Достоннинг ҳаётбахш мазмуни яна етакчилик қила бошлайди. Бу жараён аслиятда ҳам, таржимада ҳам яхши акс этган.

Умуман, таржимон етакчи қаҳрамон руҳий тўлқинларини юзага чиқаришда алоҳида маҳорат кўрсатган. У маънони янада кучайтиришга, таъсирчанликни оширишга эриша олган. Достоннинг етакчи ғояси бўлган ижтимоий фаол аёлнинг тафаккур тараққиётини ўзбек китобхонига етказа олган. Қорақалпоқ эпоси «Маспошшо» шоир ва таржимон Муҳаммад Алининг улкан хизматлари туфайли ўзбек ёзма адабиётининг ҳам мулкига айланди деб ҳисоблаймиз.

**С. Матякупов**

### **ИНСОН ВА ШАҲС КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ РАМЗИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ**

Истиқлол даври ўзбек насри тарихини яратаётган бир неча авлодга мансуб сўз санъаткорлари изланишларида инсон шахсига нисбатан янгича ижодий нуқтаи назарлар етакчилик қилаётир. Уларнинг мазмун – моҳиятидаги истиқлолнинг истиқболини белгилаётган эркин жамият кишиси қандай хислат – хусусиятлар соҳиби бўлиши керак, деган бош маъно ҳозирги насримиздаги инсон концепцияси масаласининг ўзак маъини ташкил қилади. Хусусан, Х. Дўстмуҳаммаднинг «Жажман», Н. Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикояларида инсонлар табиатидаги маънавий – ахлоқий хислатларни акс эттириш, қаҳрамон кўнглида кечган туйғулар зиддияти ва фикрлар эврилишларининг маъносини рамзларга кўчириш мазкур ҳикоялардаги шахс концепциясига оид нуқтаи назарлар ва бадиий тадқиқотчилик принципларини кўрсатади. Зотан, ҳар бир асарнинг бадиий баркамоллиги қаҳрамон психологияси нечоғлик холис ва ҳаётий акс эттирилгани билан белгиланади. Модомики, инсон концепцияси санъаткор дунёқараши, эстетик позицияси билан уйғунликда намоён бўлар экан, уларнинг муштарақлиги ёзувчининг бадиий салоҳиятини тайин этади. Негаки, ҳар бир инсон, шу жумладан, адиб ўз эътиқодидан келиб чиқиб бу ёруғ дунёни ҳам ўз тушунчасидаги яхши одамни ҳам муайян идеалида тасаввур қилади. Шунга кўра инсоннинг психологиясини, фикрий сажиясини, атроф – теварагини ўз раъйига қараб ўзгартиришга интилади. «Жажман», «Маймун етаклаган одам» сингари ҳикоялардаги бадиий идрок, рамзий образ ва ифодалар маъносини

кўздан кечирар эканмиз, давр тақозосига кўра ҳикоя жанри табиатида ҳам сифат ўзгаришлари содир бўлаётганини кўриш мумкин.

Адабиётшунос Б.Саримсоқов алоҳида таъкидлаганидек, «Назарий жиҳатдан санъат асари табиатга – ҳаётга тақлидан яратилади. Бироқ бу тақлид ҳаётнинг оддий нусхасидан иборат бўлмаслиги лозим. Ижодкор яратган бадиий воқелик ҳаёт ҳақиқатига мос, лекин ўзига асос бўлган ана шу воқеликдан устун бўлмоғи лозим. Ҳаётга тақлид бадиий ижодда муайян истеъдод ҳис-туйғуси, тафаккури, идеали таъсирида умуминсоний қадриятга эга бўлган янгича бадиий ҳаёт яратиш демакдир».<sup>1</sup> Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад ижоди, хусусан, «Жажман» ҳикоясида ушбу мулоҳазаларнинг ўзига хос тасдиғини кўриш мумкин. Шафқатсиз реалистик идрок ва ифода адиб ҳикояларидаги бош эстетик мезон сифатида кўзга ташланади. Улар адибнинг кўнгли баҳридан териб жамлаган туйғулар, кечинмалар, ўй-фикрлар синтезидир.

Ҳикоядаги бадиий тасвирда жуда катта рамзий мазмундорлик мавжуд. Асарда воқеалар бозор ва унда оралаб юрган ғалати бир махлуқ атрофида юз беради. Одамлардан бир хиллари махлуқ, яъни Жажманни олдига чақириб унинг қорнини тўйғазса, бир хиллари уни қувиб юборади. Ҳаммани ўзининг еб тўймаслиги билан ҳайратда қолдирган бу махлуқни ёзувчи шундай тасвирлайди: «Бобо хаёлга чалғиб, махлуқ қачон ва қандай қилиб ерга тушганини пайқамай қолди, фақат унинг сакраб – ирғишлаб дарвоза томон бораётганини кўргачгина, хушини йиғди. Бобо кўрди-махлуқнинг кўзи, қулоғи, тумшуги дам сичқонникига, дам тулкиникига ўхшаб, тинимсиз товланар эди... «Олмаҳонку!» деб юборди ичида бобо ва шу заҳоти бошини чайқаб «тулкиминан сичқондан тарқаган кўринади», деган хаёлга борди, бир пас жим қолгач эса, «Қорни кенгруники...», деди пичирлаб, лекин махлуқ қаддини ростлаб икки оёқлаб бораётганини кўриб, «Ё одамдан тарқаганмикан?!» деб ўйлади ва беихтиёр шак келтириб қўйгандек шошиб ёқасига туплади...»<sup>2</sup>

Кўринадики, бу ерда Жажманнинг тасвирланишида ҳам катта рамзий мазмундорлик етакчилик қилади. Жажманни кўрганда Зардушт бобо дастлаб уни олмахонга, кейин дам сичқонга, дам тулкига ва охири одамга ўхшатади. Ҳикоя давомида шу нарса маълум бўладики, адиб ушбу махлуқ қиёфасида нафс балосини ифода қилади. Зеро, нафсга мукқасидан кетган, ўз нафсини жиловлай олмаган инсон ташқи жиҳатдан қанчалик (олмахондек) чиройли бўлмасин, (тулкидек) айёр ва бундай одамлар жамият учун (сичқондек) зарарлидир.

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, 2004. 97-бет.

<sup>2</sup> Дўстмуҳаммадов Х. Жажман. Сиз соғинган асарлар. – Т.: Шарқ, 2003. 71-бет.

«Бобо ҳийла маҳал махлуқни кузатди, унинг қўли-оёғи тинмас, лекин ҳали – вери тўядиганга ҳам ўхшамас эди. Унинг қандоқ қилиб бировнинг майзини тортинмай-нетмай тушираётганидан бобо ҳайрону лол бўлганича, кўзларига ишонмас, хаёлида эса: «Бу қандай махлуқ ўзи? Бу қандай махлуқ?» деган савол чарх урарди».<sup>1</sup> Адиб ҳикояда Зардушт бобонинг ўй-хаёллари бадиий тасвири ва талқини орқали фикрлаш, хулосалар чиқариш учун ўқувчига ҳам кенг имкониятлар қолдиради. Энг муҳими, бадиий ифодалар табиийлиги орқали ҳолатлар, кайфиятлар меъёри кечинмаларнинг ҳаққоний ва ҳаётийлигини асослайди.

Кўринадики, Х. Дўстмуҳаммад мазкур ҳикояда инсон шахсининг феълдаги ноқисликлар учун курашиш, улардан имкон қадар қутулиш каби умуминсоний муаммолар хусусида қайгуради. Яна бир алоҳида таъкидлаш лозим бўлган нарса шуки, ҳикоядаги Зардушт бобо образи асарда жисмонан мавжуд эмас, у инсониятни роибдан кузатиб туради. Шу маънода, ҳикояда рамзий тарзда айтилмоқчи бўлган ахлоқий-фалсафий маъно ҳам анча теран. Ҳикояда бозор-ҳаёт, жажман-нафс маъносида талқин қилинади.

Н.Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикоясида ҳам шахс концепцияси ва ижтимоий муҳит масаласи рамзий образлар зиммасига юкланган фалсафий мазмундорлик орқали ёритилган. Адиб талқинига кўра инсон мустақил фикрлаш, у ёки бу масалада ўз қарашларини аниқ баён эта олиши учун онгидаги занжирларни, тўсиқларни енгиб ўтиши талаб қилинади. Чунки маънавий – интеллектуал эркинликни қўлга киритиш осон иш эмас, аксинча, ушбу ҳодиса янги руҳий ҳаётларни эгаллаш эвазига ахлоқий хислат-хусусиятлар касб этиш орқали намоён бўлади. Ана шундан кейингина инсоннинг маънан ҳамда фикран комиллик хусусиятларига эга бўлиши тафаккур эркинлигига етишиш натижаси ўлароқ ҳосил бўлади. Мазкур ғоявий – бадиий фикр ҳикоядаги шахс концепцияси талқинидаги ўзак маънони белгилаб беради. «Маймун етаклаган одам» ҳикоясидаги рассом чол ҳаёти эса мутелик, тобелик исканжасида кечган. Ҳикоядаги воқеалар тафсилотидан аёнлашадики, рассом чол қирчиллама ёшлик йилларида чизган, яъни ўрмондан маймун етаклаб чиқиб келаётган йигитнинг шаҳдам одимлари, кўзларидан умид алангаси ловуллаб турган ҳолати акс эттирилиб, суратининг тагига «1921» санаси ёзиб қўйилган эди. «Суратда қуюқ ўрмондан маймунни етаклаб чиқаётган барваста гавдали йигит

<sup>1</sup> Дўстмуҳаммадов Х. Жажман. Сиз соғинган асарлар. – Т.: Шарқ, 2003. 70- бет.

тасвирланган эди. Йигитнинг кўзлари тийрак ва ишонч билан порлаб турар, маймуннинг бўйнига солинган кишан таранг тортилган эди».<sup>1</sup>

Шу ўринда диққат қилиниши лозим бўлган икки ҳолат бор. Бу – бўйнига кишан тортилган маймун ҳамда йигитнинг ишончдан порлаган кўзлари. Маймун билан нур чуқур рамзий маънога эга. Маймун – қаҳрамоннинг мутелликка маҳкум этилган кўнгли. Унинг бўйнига солинган (занжир эмас) кишан ҳам таранг тортилган, мустаҳкам. Демак, инсонда онг – шуур муте, туйғулар тобе бўлар экан, унда ҳеч қачон фожиалар билан турфа хил муаммолар сабабини ўз номи билан аташ шижоати қарор топмайди. Худди рассом чол суратларидаги ранг, буёқлар сингари рост сўзнинг кескин руҳи ҳар қандай бефарқлик, итоат ва журъатсизлик илатларини таг-томири билан янчишга қодир кучга айланмайди. «...Суратларда ҳувиллаб қолган қишлоқлар ва кўчалар, эгалари ташлаб кетган уйлар, ўзига чорлаб турган қабристонлар, ўлим иси келиб турган ҳар-хил қуроллар, йиғлаётган аёллар ва болалар, бийдай далани босиб кетган ўлаксахўр қузғунлар, мурдалар ортилган аравалар, панжарали камералар, ёниб ётган қишлоқ, кўрқувдан (худди «Помпеянинг сўнги куни» каби) донг қотиб қолган оломон, сирли махлуқлар, йиртқич ҳайвонлар, юзларига ҳар хил жондорларнинг ниқобларини кийиб олган одамлар (карнавал бўлса керак деб ўйлагандим), базму жамшид қилиб ўтирган шотирлар, ароқ навлари, турли хил таомлар, яланғоч аёллар, маъсума қизлар, қовжираб қолган гулларнинг суратлари акс этган эди».<sup>2</sup>

Рассом чол суратларида тасвирланган мазкур ҳолатлар унинг кўнгли кечинмаларини ифодалаб, руҳий дунёсининг муайян кўзгуси сифатида зоҳир бўлаётир. Қолаверса, бу унинг фикр-ўйларининг маълум шаклга кирган тажаллиси ҳамдир. Кўринадики, «Бадиий образ объектив воқеликнинг ғоявий-эстетик мазмуни субъектив инъикоси бўлгани учун одамлар қалбидаги энг нозик ҳис-туйғуларни, улар онгига ўрнашолмай турган энг мураккаб фикр ва мулоҳазаларни ҳам ҳаракатга келтира олади».<sup>3</sup>

Агар эътибор берсак, рассом чолнинг ўзидан, ҳаёт тарзидан ачимсиқ бадбўй бир ҳид анқиб тургандек бўлади. Одамларга адоват билан тикилишидан ҳам бадбўй ҳид анқийди: «Чолнинг уйи ҳашаматли, кенг, лекин ташлаб кетилган майдондай ҳувиллаб ётарди. Устун ва ромлар чириган, умуман, ҳовлидан чиркин ва бадбўй ҳид келарди. Чиркин ҳид

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам – Т.: Янги аср авлоди, 2004, 123бет.

<sup>2</sup> Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам – Т.: Янги аср авлоди, 2004, 124 – 125-бетлар.

<sup>3</sup> Адабиёт назарияси. Икки томлик. Адабий асар. I том. – Т.: Фан. 152-бет.

дарахтлардан, қор остида қолиб қаровсизликдан хазонликка юз тутган гулзордан, уйнинг ёғочларидан ва айвонда қалашиб ётган ҳар хил расмлар уюмидан келаётган эди: шалтоқ ҳид эса ахлат солинадиган ундуқадан келарди».<sup>1</sup> Рассом чол ҳаётидан анқиб турган ҳид шунчаки ҳолат ёки кайфиятлар ифодаси эмас. У чолнинг чиркин умр фаслларидан орттирган иллатлари бўлиб, яхшилик билан ёмонликнинг, ўз эътиқодининг маъносини англамай бесамар кечган умрининг оқибатларидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Н. Эшонқул ҳикояларида сўзлар асло жарангламайди, улар маюс ва дардчил суҳбатдош сифатида ҳосил бўлади. Юқоридаги мисолларда кузатилганидек, ҳид ҳамда шуъла рамзлари ҳикоядаги рассом чол ҳаётининг бадиий образлар орқали ифодаланаётган умумлашмасидир.

Кузатишлардан кўринадики, сўз санъати ва реалистик тасвир маданиятининг асосий тили, бу – рамз. Дарҳақиқат, адабнинг ўзи таъкидлаганидек, «Рамз – воқеликнинг тимсолидир. Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзалдир. Илло тош эмас, тошга йўнилган хаёл гўзал. Адабиётнинг илоҳий кучи – ана шу хаёлни ярата олишда кўринади. Ижод яратишдир. Яратиш эса, илоҳиётга дахлдорликдир. Яратиш завқи барча завқдан, яратиш азоби барча азобдан юксакроқдир. Гўзаллик яратиш эса – бу илоҳиётни чархлашдир».<sup>2</sup>

Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул ҳикоялари таҳлили мисолида кузатилганидек, адабларнинг рамзий образ ва ифодаларга асосланган бадиий нигоҳлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Юқорида таҳлил қилинган ҳикояларда руҳий ҳамда фаолият тасвири анча мураккабдир. Бу мураккаблик инсон ички дунёсининг ниҳоятда чигал ва етиб бўлмас пучмоқларини очишга интилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Тил билан ифодалаб, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб бўлмас руҳий ҳолатларни ўқувчига аниқ, таъсирчан етказишда адаблар рамзий тасвир ҳамда талқинга мурожаат этадилар. Бундай рамзий тасвир ва ифодалар эса ҳикояларнинг мазмун ҳамда шакл уйғунлигида инсон руҳиятига чуқурроқ нигоҳ ташлашга имкон беради.

### Г. Қурамбоева

#### ИЖОДИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК ЖИЛОЛАРИ

XX асрнинг ўттизинчи – олтишинчи йилларидаги ўзбек – қорақалпоқ адабий алоқалари Фафур Фулом ва Жўлмирза Оймирзаев

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам – Т.: Янги аср авлоди, 2004, – Б. 121 – 126-бетлар.

<sup>2</sup> Эшонқул Н. Ижод қудрат, гўзаллик, илоҳиётга дахлдорликдир. Миллий тикланиш. – 1998, 19-май.

ижодлари билан мазмунли ва серқирра бўлган. Бу даврларда икки шоир ҳам ўз адабиётларини ҳар томонлама ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганлар. Устоз-шогирд бўлиб қалам тебратдилар, ижодий ҳамкорлик қилдилар. Бу ҳақда Ж.Оймирзаевнинг ўзи ҳам Фафур Фулом тўғрисидаги хотира-мақолаларида бир неча марта ёзди.

Ж.Оймирзаев Фафур Фулом билан илк маротаба Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг съезди (1934 йил)да танишган. Шундан бошлаб қарийб қирқ йил у ўзбек шоири билан дўстона ижодий алоқа муносабатларини сақлаб келган. Агар адаб ўзбек адабиёти, ўзбек ижодкорлари ҳақида бирор сўз айтмоқчи бўлса ёки мақола ёзса, сўзни Фафур Фуломдан бошлаши бежиз эмас. Бу икки улкан шоирнинг шахсий дўстлиги, адабий ҳамкорликлари ҳавас қилса арзигулик дўстлик, ҳамкорлик эди. Бу алоқалар фақат уларнинг шахсий муносабатларида эмас, ижодларида ҳам яққол кўзга ташланиб турганига замондошлари гувоҳ. Ижод бобида ўзаро тажриба алмашиш, айтиқса, уларнинг шеърлятида кўпроқ кўзга ташланади.

Мазкур мақолада биз ҳар икки шоир шеърлятининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Мавзуга адабий анъана ва ижодий ўзига хослик аспектида ёндашар эканмиз, бир шоирнинг бошқа бир шоир асаридан таъсирланиши жараёнларини таҳлил қилиш билан бирга ижодкорнинг ўзига хослигини кўрсатиш алоҳида диққат марказимизда бўлади.

Фафур Фулом шеърляти ўзига хос, халқона ифодаларга бой, такрорланмас шеърлят. Шеърларининг ифода шакли, гоёвий- мазмун талқини ҳамиша ўқувчини сеҳрайди. Фақат шеърлят ихлосмандларига эмас, шоирларга ҳам илҳом беради. Ж.Оймирзаев ўзбек шоири шеърляридаги бу гоёвий-эстетик жиҳатлардан таъсирланган бўлиши эҳтимолга жуда яқин.

Ғ. Фулом шеърлярига хос жангаворлик, ҳозиржавоблик, ижобий маънодаги публицистик руҳ ҳамиша қорақалпоқ шоирини ўзига мафтун этиб келган. Масалан, Ғ. Фуломнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган туркум шеърляридаги ўлмас гоёлар, ватанпарварлик ва қаҳрамонликни улугловчи, дўстлик ва биродарликни тарғиб қилувчи, вафо ва садоқатни куйлаган шеърляри қорақалпоқ шоирига руҳий куч берган, шундай мавзуларда ижод қилиш истагини уйғотган. Фафур Ғ уломнинг «Шарқдан келаётирман», «Соғиниш», «Сен етим эмассан», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Кузатиш» шеърлярининг гоёвий мотивлари, урушни лаънатловчи қуйма сатрлар, инсон-парварликни мадҳ этган оташин чақириқлар Ж. Оймирзаев қалбига ижодий ният уруғини ташлаган. Буни шоирнинг ўзи ҳам тан олади ва

## МУНДАРИЖА

К. Қурамбоев. Шақли ўхшаш, маъноси ранг-баранг қиссалар .....	3
И. Дильманов. «Маспошшо» достонининг ўзбек тилидаги таржимасига доир .....	9
С. Матякунов. Инсон ва шахс концепциясининг рамзий-фалсафий талқини .....	12
Г. Қурамбоева. Ижодий ўзига хослик жтлолари .....	16
Ш. Алдашева. Лирикамиз тараққиётида эпиклик тамойиллари. Шеърин туркумлар. ....	22
Ф. Сапаева. Ижтимоий муҳит ва қаҳрамон руҳияти талқини. ....	25
Г. Пашиева. Ҳикояларда давр руҳи ва инсон тақдири тасвири .....	30
Г. Дусжанова. Одил Ёқубов асарларида маънавий қадириятлар талқини .....	34
Т. Абдиреймова. Қорақалпоқ драматургиясинда Ҳамза анъаналари .....	36
Д. Худайберганова. Талантнинг ранг-баранг қирралари .....	41
Н. Хидирбаева. Алишер Навоий асарларининг қорақалпоқ ва туркман тилларига таржимаси тарихига бир назар .....	43
Ё. Вайсова. Ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларида шаклий хилма-хиллик .....	46
М. Қўшназарова. Мустақиллик даври ҳикояларида инсон руҳиятининг бадий талқини .....	49
Н. Абдикаримова. Тўлепберган Қайпберганов асарлари ўзбек тилида .....	53

## ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

*Ўзбек тилида*

*«Билим» нашриёти  
Нукус—2007*

Мухаррир *Т. Досымбетова*  
Бадий мухаррир *И. Сержанов*  
Тех. мухаррир *Т. Махсудова*  
Оператор *К. Оксикбаева*

Босишга рухсат этилди 12.03.2007 ж. Қоғоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Ҳажми 3,5 б/т. 3,25 шартли босмо табағи. 3,35 нашр табағи.

Офсет босма. «Балтика» гарнитураси. Адади 200 нусха.

Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №

«Билим» нашриёти, 742000. Нукус шаҳри, Қорақолпоғистон кўчаси, 9